52 (552)-сон

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ** ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ КАРОРИ

Дехкон ва фермер хужаликлари томонидан етиштирилган мева ва сабзавот махсулотларини ва уларни қайта ишлаб олинган махсулотларни четга чиқаришни расмийлаштириш тартиби, шунингдек унга киритилган ўзгартиришларни ўз кучини йўкотган деб топиш хакида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 21 декабрда руйхатдан ўтказилди, руйхат рақами 450-2

(2013 йил 1 январдан кучга киради)

Узбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги  $\Pi\Phi-4455$ -сон «Ишбилармонлик мухитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари туррисида»ги Фармонига (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 328-модда) мувофик Узбекистон Республикаси Давлат божхона қумитаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб хисоблансин:

Узбекистон Республикаси Давлат божхона кумитаси томонидан 1998 йил 2 июлда 03/12-166-сон билан тасдикланган Дехкон ва фермер хужаликлари томонидан етиштирилган мева ва сабзавот махсулотларини ва уларни қайта ишлаб олинган махсулотларни четга чиқаришни расмийлаштириш тартиби (руйхат рақами 450, 1998 йил 2 июль);

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона құмитаси томонидан 1998 йил 24 ноябрда Дехкон ва фермер хужаликлари томонидан етиштирилган мева ва сабзавот махсулотларини ва уларни қайта ишлаб олинган махсулотларни четга чиқаришни расмийлаштириш тартибига 1-сон ўзгартиришлар (рўйхат рақами 450-1, 1998 йил 30 ноябрь).

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хужалиги вазирлиги хамда Ўзбекистон фермерлари кенгаши билан келишилган.



592-593-моддалар

**— 92 —** 

52 (552)-сон

3. Мазкур қарор 2013 йил 1 январдан кучга киради.

Раис

3. ДУСАНОВ

Тошкент ш., 2012 йил 5 декабрь, 01-02/19-38-сон

## Келишилди:

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири

**3.** РУЗИЕВ

2012 йил 5 декабрь

Ўзбекистон фермерлари кенгаши раиси

С. ТУРДИЕВ

2012 йил 5 декабрь